



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 23 июль, № 149 (9320)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАЁТГАН ШИДДАТЛИ ИСЛОҲОТЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 22 июль куни Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ва Нурафшон шахрига ташриф буюриб, транспорт ва ижтимоий инфратузилма, рақамли технологиялар, саноат ҳамда шаҳарсозлик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишди, йирик қурилиш лойиҳаларига старт берди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўрта Чирчиқ туманида Тошкент — Самарқанд йўналишидаги пуллик муқобил автомобиль йўли қурилишига тамал тоши қўйди.

Мамлакатимиз етакчиси ушбу лойиҳа Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва транспорт-логистика салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Бугун бу соҳада том маънода янги давр бошланмоқда, десак, тўғри бўлади. Халқимиз учун тараққиёт ва фаровонлик тимсоли бўлиб хизмат қиладиган ушбу йирик лойиҳанинг бошланиши барчамизга муборак бўлсин, — деди Президент.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 3 қарра ўсди. 2030 йилга бориб унинг ҳажмини 240 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган. Бу эса йўл-транспорт ва логистика инфрату-

зилмасини иқтисодиётнинг ўсиш суръатларига мувофиқ ривожлантириш талаб этади.

Бугун Ўзбекистон ҳудудидан халқаро аҳамиятга эга 4 минг километр транзит йўл ўтади. Уларнинг 30 фоизи тўлиқ қувватда, яна 25 фоизи ортқиқа юклама билан ишламоқда.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Трансафғон темир йўллари ишга тушган, мамлакатимиз Тинч океанидан Европагача бўлган энг қисқа куруқлик йўлагининг асосий бўғинига айланади. Покистон портлари орқали Ҳинд океани ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун ҳам янги имкониятлар очилади.

Хисоб-китобларга кўра, йилга қўшимча 15 — 20 миллион тонна транзит юкини қабул қилиш 400 — 600 миллион доллар даромад, логистика марказлари ва терминаллар учун 3 миллиард доллар инвестиция

ҳамда 50 мингта барқарор иш ўрни яратиш имконини беради.

Шу мақсадда 2030 йилга қадар Андижон билан Қўнғиротни, Термиз билан Тошкентни боғловчи 4 минг километр халқаро йўллари юқори талабларга жавоб берадиган замонавий транзит йўлақларга айлантириш режалаштирилган. Тошкент — Самарқанд янги автомобиль йўли ушбу стратегик дастурнинг муҳим қисми бўлади.

Сўнгги 10 йилда 78 триллион сўм ҳисобидан 128 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Энди мамлакатимизда илк бор энг юқори тоифадаги замонавий автомагистраль барпо этилмоқда.

Қиймати қарийб 2,2 миллиард доллар бўлган олти полосали йўлнинг умумий узунлиги 282 километри ташкил этади. У Тошкент, Сирдарё,

Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги аҳолиси 2 миллиондан зиёд бўлган 13 та туман орқали ўтиб, ҳудудлар учун янги имкониятлар яратади.

Лойиҳа доирасида 92 та кўприк, 28 та йўлўтказгич, 60 та туннель типдаги ўтиш жойи, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун ер ости йўлақлари ва сув ўтказиш иншоотлари қурилади.

Йўл қопламаси оғир ва юқори тезликда ҳаракатланадиган транспорт воситалари қатновига чидамли монолит бетондан барпо этилади. Текис ҳудудларда ҳаракат тезлиги соатига 150 километргача бўлиши кўзда тутилган.

Замонавий хавфсизлик ечимлари, рақамли ва инновацион қулайликлар йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

— Ушбу лойиҳа ишга тушганидан сўнг унинг афзаллигини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида, албатта, ҳис қилади. Тошкентдан Самарқандга етиб бориш вақти ҳозирги 5 соатдан 2,5 соатга қисқаради, — деди давлатимиз раҳбари.

Янги автомагистраль суткасига 60 мингдан 80 мингтагача транспорт воситасини ўтказиш имконига эга бўлади. Тирбандликсиз ва бир маромда ҳаракатланиш энергия сарфи, амортизация ва техник харажатларни камайтиради.

Хисоб-китобларга кўра, юк ташиш таннарни 19 — 24 фоизга пасадади. Бу, айниқса, тез бўзиладиган мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни бозорларга қисқа муддатда ва сифатли етказиш имкониятини кенгайтиради.

Янги йўл Фарғона водийси ва мамлакатимизнинг марказий ҳудудларини жанубий ҳамда ғарбий вилоятлар билан боғлашда муҳим ўрин тутати. Шунингдек, халқаро транспорт йўлақлари самарадорлигини ошириб, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги транспорт-логистика маркази сифатидаги мавқени мустаҳкамлайди.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, бундай инфратузилма лойиҳаларига киритилган ҳар бир доллар иқтисодиётга 5 баробаргача самара келтиради. Янги йўл Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ялпи ҳудудий маҳсулотининг

3 фоиз ўсишига туртки бериши кутилмоқда.

Йўл бўйида логистика марказлари, омборлар, саноат ва агросаноат корхоналари, савдо-сервис, меҳмонхона ва туризм объеклари барпо этилади. Бу янги иш ўринлари, хизматлар бозори ва маҳаллий бюджетлар учун қўшимча даромад манбаларини яратади.

Қурилиш жараёнида маҳаллий хизматлар ва қурилиш материалларидан кенг фойдаланилади. Бу маҳаллий корхоналар учун йирик буюртмалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшимча иш ўринлари, дегандир.

Тўртта ҳудуд раҳбарларига “Ягона коридор — ягона стандарт” тамойили асосида ер участкаларини ажратиш, логистика, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини биргаликда режалаштириш вазифаси қўйилди.

Автомагистраль Европа, Туркия, Хитой ва бошқа давлатларнинг илғор тажрибалари асосида лойиҳалаштирилган. Биринчи босқичда йўл хитойлик ҳамкорлар билан ЕРС модели асосида барпо этилади, кейинчалик уни бошқариш, сақлаш ва эксплуатация қилишнинг замонавий механизмлари жорий этилади.

Лойиҳа халқаро сифат, хавфсизлик ва экологик стандартлар асосида амалга оширилиб, 2030 йилда фойдаланишга топширилади.

Давлатимиз раҳбари мазкур лойиҳа мамлакатдаги йирик йўл қурилиш дастурининг бир қисми эканини таъкидлади. Хива — Урганч йўли қурилиши давом этмоқда, Тошкент — Андижон йўналиши бўйича халқаро тендер якунланиш арасида, Тошкентни Бўстонлик билан боғловчи йўл учун хусусий шерикни аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Биз бугун Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тўйи арафасида мамлакатимиз келажаги, иқтисодий барқарорлиги ва халқимиз фаровонлиги учун яна бир мустаҳкам пойдевор қўймоқдамиз, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари хитойлик ҳамкорлар, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, муҳандислар, лойиҳачилар ва қурувчиларга муваффақият тилаб, Ўзбекистон тарихида илк бор “яшил” ва инновацион йўл барпо этилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент — Самарқанд янги автомобиль йўли пойдеворида капсула қўйиб, унинг қурилишини бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи давомида “А-373” ва Тошкент катта халқа йўллари кесишмасида барпо этилган янги йўлўтказгични кўздан кечирди.

Мазкур иншоот транспорт оқими-ни самарали ташкил этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш, тирбандликларни камайтириш ҳамда Тошкент шаҳри билан Нурафшон ўртасидаги қатнов вақтини 10 — 15 дақиқага қисқартиришга хизмат қилади.

Бектемир ва Ўрта Чирчиқ туманлари туташган ҳудудда 14,1 гектар майдонда барпо этилган лойиҳанинг қиймати 240 миллиард сўмини ташкил этди. Объект таркибда узунлиги 66 метр, кенлиги 46 метр бўлган кўприк, 450 метрлик ер ости автомобиль йўли, иккита ортга қайрилиш йўлаги, тўртта ер ости пиедалар ўтиш йўлаги ва 950 метрлик айлана халқа йўли қурилди. Шунингдек, 9,5 километр пиеда ва велойўлақлар, саккизта жамоат транспорти бекати, 240 та ташқи ёритиш чироғи ҳамда 6 километр йўл тўсиқлари барпо этилди.

Янги объектнинг ишга туширилиши натижасида йўналишининг кунлик ўтказувчанлик қуввати бир неча баробарга ошиб, 130 мингта автотранспорт воситасига етади. Бу эса пойтахт ва Тошкент вилояти ўртасидаги транспорт алоқаларини янада яхшилаш, тирбандликларни бартараф этиш ҳамда аҳоли учун қулай ҳаракатланиш шароитини яратишга хизмат қилади.

Президентимизга лойиҳанинг техник ечимлари, транспорт оқимини бошқариш имкониятлари ҳамда келгусида Тошкент — Нурафшон йўналишида тезузор автобуслар тизими-ни (BRT) йўлга қўйиш бўйича режалар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув канали бўйида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Йиғилиш

МУАММОЛАР ЕЧИМИДА ДЕПУТАТЛАР РОЛИ ҚАНДАЙ?



Олий Мажлис Сенатида маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида маҳаллаларда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, депутатлар ва “маҳалла еттилиги” ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шу йил 16 июль куни Президент раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан ҳаётга татбиқ қилинаётган ишлар муҳокама этилди.

Кейинги йилларда маҳалла институти-ни ривожлантириш, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш ва давлат хизматларини фуқароларга янада яқинлаштириш бўйича яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўз навбатида, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш, “Ташаббусли бюджет” лойиҳалари, бандлик, тадбиркорлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги вазифалар ижросини таъминлашда депутатлик назора-

тини кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Конституциявий ислохотлар натижасида маҳаллий Кенгашлар ваколатлари кенгайгани, шу билан бирга, депутатлар зиммасидаги масъулият ҳам ошгани таъкидланди. Улар фаолияти, аввало, аҳоли муаммоларининг ҳал қилиниши, давлат дастурлари ижроси ҳамда ислохотларнинг амалий натижалари билан баҳоланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, Сенат Кенгашларнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари ва “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини такомиллаштиришга оид қарори ижроси таҳлил қилиниб, мониторинг натижалари муҳокамага тортилди. Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятлари Кенгашлари раисларининг ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Муҳокама якунида депутатларнинг “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, давлат дастурлари ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтириш, аҳолининг “Ташаббусли бюджет”даги иштирокини кенгайтириш, бандлик ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти кескин ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Глобал бозорлардаги беқарорлик, геосиёсий жараёнлар, технологик инқилоб ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши мамлакатлар олдига мутлақо янги вазифаларни қўймоқда.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ФАЛСАФАСИ

Энди давлатларнинг рақобатбардошлиги табиий ресурслар ёки молиявий имкониятлар билан эмас, балки инсон капитали сифати, илмий салоҳият, инновацион фикрлаш ва замонавий бошқарув самарадорлиги билан белгиланмоқда.

Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда давлат бошқарувини натижага йўналтирилган тизимга ўтказиш борасида мутлақо янги ёндашувлар шакллантирилмоқда. Энг муҳими, бу ислохотлар иқтисодий кўрсаткичларни ошириш билан чекланиб қолмасдан, инсон манфаати ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладигани билан аҳамиятлидир.

Президентимиз жорий йилнинг биринчи ярми якунлари ҳамда иқтисодиётнинг асосий тармоқларида амалга оширилган ишлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ана шу ислохотларнинг навбатдаги муҳим босқичини белгилаб берди. Унда нафақат эришилган натижалар сарҳисоб қилинди, балки олдимизга келгуси давр учун устувор йўналишлар ва мутлақо янги вазифалар қўйилди. Айниқса, давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсишга нисбатан янгича ёндашуви илгари суриб, ҳар бир раҳбар фаолиятини рақамлар билан эмас, балки ҳудудлардаги ҳақиқий ўзгаришлар, янги иш ўринлари, аҳоли даромадлари ва инсон ҳаётидаги ижобий натижалар билан баҳолаш зарурлигини алоҳида таъкидлади.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФАРОВОНЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



Манзилли етказиш ишлари самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидagi ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

Кибержиноятга қарши курашиш чоралари кучайтирилади

Дастлаб, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни янада кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча соҳасига чуқур кириб бораётган бир пайтда кибержиноятлар ҳам янги кўринишларда намоён бўлмоқда. Онлайн фирибгарлик, банк карталаридан маблағларни талон-торож қилиш, шахсий маълумотларнинг ноқонуний тарқатилиши, сохта рақамли контент (deepfake), молиявий пирамидалар каби ҳуқуқбузарликлар фуқароларнинг мол-мулки, шахсий маълумотлари ва

ахборот хавфсизлигига жиддий хавф туғдирмоқда.

Сўнгги йилларда кибержиноятлар сонининг ортиши мазкур соҳада ягона ва самарали ҳуқуқий механизмни шакллантириш заруратини янада кучайтирди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, Ички ишлар вазирлиги ушбу соҳадаги ваколатли давлат органи сифатида белгиланиб, кибержиноятларга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини мувофиқлаштириш, профилактика ишларини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларни фош қилиш ҳамда масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш бўйича ҳуқуқларга эга бўлади.



КЕЛАЖАГИМИЗ УЧУН МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР БЎЛАЁТГАН ШИДДАТЛИ ИСЛОҲОТЛАР

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида соҳил бўйи масканларини тартибга солиш ва у ерда замонавий шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай лойиҳалар нафақат аҳоли учун қулай дам олиш масканларини яратишга, балки янги иқтисодий имкониятларни ишга солиш орқали ҳудудларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув канали соҳили ҳам бугун ана шундай сўли масканлардан бирига айланмоқда. Ўтган йили бошланган қурилиш ишлари натижасида 32 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобидан соҳил бўйининг 9 километр узунлиқдаги қисми ободонлаштирилди.

Лойиҳа икки босқичда амалга оширилаётган бўлиб, дастлаб Тинчлик ва Қорасув маҳаллалари оралиғидаги 1,6 километр узунлиқда соҳил қисми ободонлаштирилди. Пиёёдалар учун замонавий йўлаклар, фаввора, воркаут майдончалари, аквাপарк ҳамда кўприк ости туннели аҳоли хизматига шай.

Худудда, шунингдек, манзарали дарактлар, қулай ўриндиқлар билан бирағ умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам барпо этилган.

Кейинги босқичда Қорасув, Роваттак ва Файзобод маҳаллаларидан ўтувчи қисмида кўнгилочар, дам олиш ва гастрономик кўчалари ташкил этилади. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари сони 6 тага етказилиб, 150 та янги иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари Нурафшон шаҳрида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг янги барпо этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуасида яратилган шароитлар билан танишди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, фуқароларга кўрсатилаётган давлат ижтимоий хизматлари қўлами ва турларини кенгайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилоятида илк маротаба ташкил этилган Ижтимоий ҳимоя мажмуаси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига комплекс хизматларни бир жойда кўрсатиш имкониятига эга.

У ерда 5 та муассаса — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилояти бошқармаси, ҳудудий Ижтимоий инспекция, Нурафшон шаҳри “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ҳамда ҳудудий ижтимоий хизматлар маркази жойлаштирилган.

Мажмуа барпо этилиши ҳисобига ҳар йили Нурафшон шаҳри ҳамда унга қарай бўлган Ўрта Чирчиқ, Пискент, Оққўрғон ва Бўка туманларида 10 мингга яқин фуқаролар ижтимоий хизматлар билан қамраб олинади.

Мазкур муассасада 100 нафарга яқин ходимлар фаолият юритиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг жамиятга тўлақонли ва мустақил мослашишга қўмак берилади.

Шунингдек, ҳудудий ижтимоий хизматлар марказида фуқароларнинг индивидуал эҳтиёжларида келиб чиққан ҳолда, нодавлат сектор имкониятларини кенг жалб этиш орқали 5 турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Натижада кўп йиллар уйда ўтириб

қолган ва ногиронлиги бўлган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтожлар, ногиронлиги бўлган болалар жамиятга интеграция қилинади.

Шу ернинг ўзига давлатимиз раҳбари ногиронлиги бўлган шахсларни янги стандарт ва сунъий интеллект ёрдамида ташхислаш, Тошкент вилояти тажрибаси асосида маҳалладаги ижтимоий ходимларнинг янгича ишлаш механизмлари тақдироти билан танишди.

Президентимиз мазкур Ижтимоий ҳимоя мажмуасида яратилган шароитларни кўздан кечиран экан, аҳолининг муҳтож қатламини қўлаб-қувватлаш, уларнинг жамиятга муносиб мослашиши ҳамда ихобий руҳият билан яшашига қўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканини таъкидлади.

Шундан сўнг Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Тошкент вилоятидаги “Инсон” волонтерлари жамоаси билан суҳбатлашиб, уларнинг лойиҳалари билан танишди. Мажмуа фаолиятини маъқуллаб, республика бўйлаб шунга ўхшаш ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари сонини уч борабора ошириш бўйича мутаасдиларга топшириқ берди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, мавжуд имкониятларни янада кенгайтириб, ҳудудий ижтимоий хизматлар марказлари сонини республикада қамиди 90 тага етказиш мақсад қилинган. Бунда янги марказлар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли кўп истиқомат қиладиган, транспорт қатнови қулай ҳамда фуқаролар учун етиб бориш осон бўлган ҳудудларда ташкил этилиши режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида ахборот хавфсизлиги ва рақамли технологияларга ихтисослаштирилган “Cyber University” давлат университетига фаолияти билан танишди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатимизни минтақавий IT-хабга айлантириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бунинг учун давлат бошқаруви ва иқтисодий тармоқларини рақамлаштириш, замонавий алоқа инфратузилмасини ривожлантириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда инновацион экотизимни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда яратилган қулай шароитлар натижасида юртимизда IT компаниялар, юқори даромадли иш ўринлари ва рақамли хизматлар экспорти изчил кўпаймоқда. Мазкур жараёнда замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

“Cyber University” давлат университети Президентиимизнинг 2025 йил 20 январдаги қарорига мувофиқ, Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида мустақил олий таълим муассасаси сифатида ташкил этилган.

Университетда ахборот ва киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва робототехника, киберхуқуқ, рақамли криминалистика ҳамда киберкириксодий соҳалари учун халқаро талабаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланмоқда.

Бугунги кунда олийгоҳда 2 та факультет ва 4 та кафедра фаолият юритиб, 8 та бакалаврият ҳамда 2 та магистратура йўналишида қарийб 1 минг нафар талабалар тахсил олмақда.

Университетда 1 минг 585 ўринли

ўқув биноси, 805 ўринли талабалар тураржойи, замонавий спорт мажмуалари, ошона ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари университетда яратилган шароитлар билан танишди. Олийгоҳда тахсил олаётган ёшлар билан самимий мулоқот бўлиб ўтди.

— Келажақда сиздек мутахассисларга эҳтиёж янада ошади. Ҳар бир соҳа ва ҳар бир ҳудуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат тараққий этмайди. Шунинг учун сизлар ўз устингизда тинимсиз ишлаб, энг замонавий билимларни эгаллашингиз керак, — деди Президентимиз.

Университет жамоаси халқаро киберхавфсизлик мусобақалари ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳақатонларда юқори натижаларни қўлга қиритиб келмоқда. Экологик барқарорлик тамойиллари асосида шакллантирилган олийгоҳга “Яшил кампус” мақоми берилган.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев университетга туташ ҳудудда барпо этиладиган Келажақ технологиялари маркази қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида буюқ аждодиимиз Мухаммад ал-Хоразмий асос солган алгоритмлар бугун глобал иқтисодиётнинг ўзгаги ва инсонлар кундалик ҳаётининг ажралмас қисмига айланиганини таъкидлади.

Ҳозирги дунёда рақобат йиллар ва ойлар билан эмас, балки дақиқалар ва сониялар билан ўлчанмоқда. Рақамлаштиришни ортага сурган, сунъий интеллектни ўзлаштирмаган ва инновацияларга сармоа қиритмаган давлатлар глобал тараққиётдан ортда қолиши қайд этилди.

— Ҳаётимизнинг барча жабҳаларини рақамлаштириш билан жидий шугулланмасдан туриб, ривожланиш мумкин эмас. Бусиз келажагимиз йўқлигини барчамиз теран англашимиз керак, — деди Президент.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари соҳасидаги натижалари халқаро ҳамжамят томонидан кенг эътироф этилмоқда. Жорий йилда венчур инвестициялар ҳажми 5 борабар кўпайиб, ўсиш суръати бўйича мамлакатимиз жаҳонда биринчи ўринга кўтарилди.

Ўзбекистоннинг миллий стартап экотизими қарийб 4,5 миллиард долларга етди. Инновацион ғояларни рағбатлантириш мақсадида муқойф жағмармаси 5 миллион доллар бўлган Президент стартап танловига старт берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича Бутунжаҳон ташкилотининг таъсисчиларидан бири бўлиб, бу борадаги глобал жараёнларни шакллантиришда иштирок этадиган давлатлар сафидан ҳикой олди.

Умумий майдони 36 гектар бўлган марказ қурилишига қарийб 500 миллион доллар инвестиция жалб қилинади. У таълим, илмий тадқиқот, технологик синов ва ишлаб чиқариш жараёнларини бирлаштирадиган ягона инновацион экотизим бўлади.

Нурафшон шаҳрининг танланиши бежиз эмас. Бу ердаги “Cyber University”да киберхавфсизлик ҳамда ахборот ҳимояси соҳаларида қарийб 1 минг нафар мутахассислар тайёрланмоқда. Энди университет атрофида бутун мам-

лакат учун намуна бўладиган яхлит инновацион кластер шакллантирилади.

Марказда киберхавфсизлик, сунъий интеллект, булутли технологиялар ва криптография йўналишларида 6 та замонавий лаборатория ташкил этилади.

Шунингдек, сунъий интеллект датаркази ва муҳандислик кластери, химояланган компьютер ҳамда маълумот узатиш қурилмалари, юқори технологик токенлар ишлаб чиқариш маркази барпо этилади. Учувчисиз дрон қурилмалари ва робототехника воситаларини синовдан ўтказиш учун махсус полигон фаолияти йўлга қўйилади.

Осиё тараққиёт банки қўмағида маҳаллий технологияларни тижоратлаштириш ва миллий маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб чиқиш платформаси яратилади. Лойиҳаларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун 5 мегаваттлик энергетика қувватлари барпо этилади.

Марказга етакчи глобал компаниялар, университетлар ва олимларни жалб қилиш, талабалар ва ходимлар учун замонавий ижтимоий, маданий ва маиший инфратузилма яратиш кўзда тутилган.

Энг муҳими, мазкур инновацион экотизимда 5 мингдан зиёд юқори малакали иш ўринлари ташкил этилади. Марказ Тошкент вилоятида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва ҳудуднинг инновацион салоҳиятини юксалтиришга катта туртки беради.

Қайд этилганидек, жорий йилда Тошкент вилоятининг рақамли хизматлар экспорти илк бор 50 миллион долларга етиши кутилмоқда. Мавжуд имкониятларни янада кенгайтириш учун Нурафшон ва Чирчиқ шаҳарларида замонавий IT парк бинолари қурилишига ҳам старт берилди.

— Узоқни кўзлаб, чин дилдан амалга ошираётган орта қайтмас ислохотларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкори бўлган ёшларимиз келажаги учун мустаҳкам пойдевор бўлади. “Рақамли Ўзбекистон” келгуси авлодларга биздан муносиб мерос бўлиб қолади, — деди давлатимиз раҳбари.

Мазкур маскани Тошкент вилоятининг сунъий интеллект ва рақамлаштириш марказига, ёшларнинг билим, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқарадиган замонавий мажмуага айлантириш асосий мақсад экани таъкидланди.

Келажақ технологиялари марказида амалга ошириладиган илмий ишланмалар, технологик ечимлар ва кашфиётлар мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Маросимда Хитой, Россия ва Германия компаниялари иштирокида амалга ошириладиган, умумий қиймати 465 миллион доллар бўлган 9 та янги лойиҳа қурилишига ҳам старт берилди.

Ушбу янги қувватлар ишга тушиши натижасида яна 5 мингта иш ўрни яратилади, аҳолининг замонавий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Президент Шавкат Мирзиёев хорижий ҳамкорлар, мутахассислар ва қурувчиларга муваффақият тилади.

Сўнг давлатимиз раҳбари Нурафшон шаҳридаги “Нурафшон махсус техника” корхонасига борди.

Мамлакатимизда автомобилсозлик ва машинасозлик тармоқларини замонавий талаблар асосида ислох қилиш,

соҳанинг рақобатбардошлиги ва самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умумий қиймати 50 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида 25,8 гектар майдонда ташкил этилган “Нурафшон махсус техника” корхонасида бугунги кунда “KRANTAS” бренди остида махсус турдаги автомобиллар, ҳарбий техника ва турли механизмлар ишлаб чиқарилмоқда, 300 нафардан ортиқ юқори малакали мутахассислар доимий иш ўрни билан таъминланган.

Ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган ускуна ва технологиялар АКШ, Германия, Италия, Швеция, Россия, Хитой ҳамда Туркия давлатларидан келтирилган.

Ўтган даврда 2 ярим минг тоннага яқин металл конструкция, 300 дан зиёд автомобиль усткурмалари, 200 дан ортиқ шассислар ва 20 дан зиёд тракторлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, ўтган йилда 275 миллиард сўмлик техника ва механизмлар бюрутмачиларга етказиб берилди.

Корхона импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги 10 гектар ер майдонида янги завод қуриш режалаштирилган. Бу эса йилига 15 — 18 миллион долларлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги ишлаб чиқариш жараёнлари, маҳсулотлар ҳамда замонавий технологик ечимларни кўздан кечирди. Соҳа мутаасдилари ва муҳандислар билан мулоқотда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” боғида Тошкент вилояти жамоатчилиги билан тантанали учрашувда иштирок этди.

Тадбирда нурунийлар, ёшлар ва фаоллар қатнашди. Мамлакатимиз етакчиси йилғилганларни самимий қутлаб, вилоят аҳли билан яна бир бор дийдор қуришиб турганидан мамнунлигини билдирди.

Қайд этилганидек, яқин йилларгача катта иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятга эга Тошкент вилоятининг ўз маъмурий маркази мавжуд эмас эди. Қисқа вақт ичида Нурафшон шаҳри янгитдан барпо этилиб, бу ерда замонавий маъмурий, ижтимоий ва маданий инфратузилма шакллантирилди.

Шаҳарда “Янги Ўзбекистон” боғи, “Ватанпарвар боғи”, матонатли ўзбек аёли Зулфия Зокировага бағишланган ёдгорлик мажмуаси, хиёбонлар, сунъий кўл, амфитеатр ва фавворалар, кенг яшил ҳудудлар, велосипед ҳамда пиёдалар йўлаклари барпо этилди.

— Бу ердagi ҳар бир корхона, ҳар бир кўча ва бино, майдон ва хиёбон сергайрат, меҳнаткаш ва фидойи вилоят аҳли билан биргаликдаги ишларимизнинг натижасидир, — деди Президентимиз.

Бугун Нурафшон шаҳри Янги Ўзбекистон тимсоли сифатида намоён бўлаётганини таъкидланди. Шаҳарнинг номи “нур сочуви”, “зиё тарқатуви” деган маъноларни англатади. Шу боис гўзал кент замонавий қиёфаси, тараққиёти, маданияти, бошқаруви ва инсон

қадрига бўлган муносабати билан ҳам бошқаларга намуна бўлиши кераклиги қайд этилди.

Нурафшон мамлакатимизда “ақли шаҳар” модели асосида барпо этилаётган биринчи шаҳар сифатида ҳам тарихга кирмоқда. Бу ерда рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт, энергия тежамкор технологиялар, маданий масканлар ва экологик инфратузилма ягона тизимга бирлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нурафшонни илм-фан, юксак технологиялар ва ёшлар шахрига айлантириш асосий мақсад эканини таъкидлади. Бу ерда минг ўринли маданият саройи, Бадий академиянинг вилоят бўлими, Сунъий интеллект маркази, Ахборот-ресурс маркази ва касблар марказини ўз ичига олган замонавий “Ёшлар шахарчаси” бунёд этилмоқда.

“Нурафшон бизнес сити” лойиҳаси доирасида маъмурий, бизнес, таълим, тиббиёт, маданият ва тураржой ҳудудлари ўзаро уйғун ҳолда ривожлантирилмоқда. Жумладан, 700 ўринли кўп тармокли тиббиёт марказида телемедицина ва робототехника ёрдамида 60 дан зиёд юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатилиши режалаштирилган.

Шарқ бозори, хунармандчилик кўчалари, миллий павильонлар, амфитеатр ва замонавий дам олиш масканларини қамраб олган туристик-маданий мажмуа ҳам Нурафшоннинг “ташриф қоғози”га айланади.

Тадбирда Тошкент вилояти мамлакатимиз иқтисодиётининг йирик таянч ҳудудларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Республика ялпи ички маҳсулотининг қарийб 10 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги беш йилда ҳудудга 16 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, чет эл капитални иштирокидаги корхоналар сони қарийб 3 мингтага, экспорт ҳажми эса 3 миллиард долларга яқинлашди.

Президентимиз вилоятни Тошкент шаҳри билан ягона иқтисодий ва транспорт макони сифатида ривожлантиришга доир янги лойиҳалар ҳақида ҳам сўз юритди. Пойтахт билан боғловчи жамоат транспорти йўналишлари кенгайтирилиб, Тошкент — Нурафшон йўналишида замонавий поездлар қатнови йўлга қўйилиши белгиланди.

— Сиз, азиз Тошкент вилояти фаоллари, тадбиркор ва фермерлар, зиёлилар, нурунийлар ва сергайрат ёшлар билан биргаликда бу заминни янада яшнатамиз, мамлакатимиз тараққиётининг мустаҳкам ва қудратли таянчига айлантирамиз. Мен бунга қатъий ишонман ва Президент, давлат раҳбари сифатида бутун халқимиз қатори Тошкент вилояти аҳолисининг тинч, фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi учун бундан буён ҳам бор куч ва имкониятими сафарбар этаман, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг якунида.

Тадбир маданий дастур билан давом этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятига савфари якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз РУСТАМОВ,
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Марҳаббо ҲОЖИАКБАРОВА,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза махсус мухбирлари.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ФАЛСАФАСИ

◀ Ййгилишда қайд этилганидек, йил бошидан мамлакатимиз иқтисодиёти 8,5 фоизга ўсди. Саноатда — 8, хизматлар соҳасида — 16,9, қурилишда — 13,8, қишлоқ хўжалигида 4,7 фоиз ўсиш таъминланди. Инвестициялар ҳажми 28 млрд. долларга, экспорт эса 14,4 млрд. долларга етди. Халқаро “Fitch” ва “Moody’s” рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен кредит рейтингини бир поғонага оширгани ҳам олиб борилаётган иқтисодий сиёсат халқаро майдонда эътироф этилаётганидан далолат беради. Президентимиз эришилган натижалар билан чекланиб қолмасдан жорий йил якуни, 2027 йил ва ундан кейинги давр учун янада юқори мақсадларни белгилаб берди.

Илгари сурилган ғоялар иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи сифатида илм-фан, инновация ва инсон капиталига таяниш зарурлигини яна бир бор намоён қилди. Бугунги кунда рақобат ишлаб чиқариш ҳажмида эмас, балки янги ғоялар, замонавий технологиялар ва интеллектуал маҳсулотлар яратишда намоён бўлмоқда. Шу боис ҳам мамлакатимизда таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланмоқда.

Ййгилишда ҳудудларни ривожлантиришда “Ақл марказлари” фаолиятини кучайтириш бўйича билдирилган фикрлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар



оддий таҳлил муассасаси эмас, балки ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини илмий асосда баҳолайдиган, “ўсиш нукталари”ни аниқлайдиган ва амалий тақлифлар

ишлаб чиқадиغان интеллектуал платформалар сифатида фаолият юритиши назарда тутилмоқда. Бундай марказлар айнан университетлар, илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий ҳамкорликни кучайтириб, олимлар салоҳиятини ҳудудларни ривожлантиришга йўналтириш имконини беради. Бу эса инновацион ғояларни тезроқ амалиётга жорий этиш ва интеллектуал ресурслардан янада самарали фойдаланишга ёрдам беради.

Президентимиз томонидан 2027 йил учун тақлиф этилган “сафарбарлик сценарийи” ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Бу барча даражадаги раҳбарлар, ҳудудлар ва тармоқларни мавжуд имкониятларни тўлиқ сафарбар этиш, янги “ўсиш нукталари”ни аниқлаш, ҳар бир қарор иқтисодий натижа беришини таъминлашга йўналтиради. Мазкур ёндашув мамлакат иқтисодиётини янада юксалтиришга, ички имкониятлардан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Илм-фанни ҳудудлар ривожининг

муҳим омилига айлантириш, “Ақл марказлари” фаолиятини кучайтириш ва 2027 йил учун белгиланган “сафарбарлик сценарийи”ни амалга оширишга қаратилган вазифалар — мамлакатимизда давлат бошқарувининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётганидан далолат. Бу жараён олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва олимлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки энди ҳар бир илмий ғоя, ҳар бир тадқиқот мамлакат иқтисодиёти, ҳудудлар тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига амалий ҳисса қўшиши лозим.

Давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган мазкур ййгилишда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифаларни белгилаб бериш билан чекланиб қолинмади. У Янги Ўзбекистон тараққиётининг мутлақо янги фалсафасини — илм-фан, инновация, инсон капиталли ва натижага йўналтирилган бошқарувга таянган иқтисодий ўсиш моделини яна бир бор намоён этди. Энди иқтисодий тараққиёт рақамлар ортидан қувиш эмас, балки ҳар бир ҳудуднинг ички салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, ҳар бир қарорни илмий таҳлил асосида қабул қилиш ва инсон манфаатини таъминлаш орқали баҳоланмади.

Одилжон МАМАТКАРИМОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.

МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Тадбир

Мазкур келишув нотариат соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ва қонун ижодкорлиги жараёнларида самарали ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган.

Меморандум доирасида нотариал хизматлар сифатини ошириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, соҳани рақамлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, қўмита ҳузуридаги эксперт ва ишчи гу-

МУСТАҚИЛ ФАОЛИЯТ САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Тошкент давлат юридик университетидида “Қонунга садоқат, адолатга хизмат — келгуси фаолиятингизнинг бош мезони бўлсин!” шиори остида битирувчиларга диплом топишириш маросими бўлиб ўтди.

Таълим

ФАРОВОНЛИКНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСИ

Мухокамада кибержиноятлардан жабрланган шахслар ҳимояси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қонун лойиҳасида уларни реабилитация қилиш, ҳуқуқий, психологик ва заруратга кўра тиббий ёрдам кўрсатиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда рақамли ва молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, молиявий пирамида кўринишидаги фирибгарликларни барвақт аниқлаш, улар тарқалишининг олдини олиш, аҳолини кибертахдидлар ҳақида тезкор огоҳлантириш, шунингдек, жамиятда кибермаданият ва кибергигиена кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланмоқда.

Жавлон АБДУЛЛАЕВ, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланиш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган тақлифлар асосида янада такомиллаштирилди. Хусусан, асосий тушунчалар амалдаги қонунчилик билан мувофиқлаштирилди, ҳуқуқий ноаниқликка сабаб бўлиши мумкин дея ҳисобланган нормалар қайта таҳрирланди, давлат органларининг ваколатлари, ўзаро ҳамкорлиги ва масъулиятини белгилайдиган қоидалар аниқлаштирилди. Айтиш мумкинки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши кибержиноятларга қарши курашишнинг замонавий ва самарали ҳуқуқий тизимини шакллантириш, шахс, жамият ва давлатнинг кибермақомидаги ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш, шунингдек, фуқароларнинг рақамли хизматлардан хавфсиз фойдаланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Шахсий маълумотлар ва мол-мулк ишончли ҳимоя қилинади

Киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли муҳитда содир этилаётган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модда-модда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт, электрон тижорат ва масофавий молиявий хизматлар жадал ривожланаётгани фуқароларнинг банк ҳисобварақлари, электрон ҳамёнлари ва бошқа рақамли активларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Айниқса, кибержиноятларнинг янги кўринишлари пайдо бўлаётгани соҳадаги қонунчиликни замонавий хавф-хатарларга мос равишда такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрланиш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган тақлифлар асосида унинг қатор нормалари қайта кўриб чиқилди ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштирилган.

Жумладан, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунга киритилаётган ўзгартiriшларга мувофиқ, киберхавфсизлик талабларига риоя этилмагани ёки шубҳали (фрод) операцияларнинг олдини олиш чоралари қўрилмагани оқибатида фуқароларга моддий зарар етказилса, мазкур зарарни банклар, тўлов тизими операторлари ёки тўлов ташкилотлари томонидан қоплаш тартиби белгиланмоқда. Бу молиявий хизматлар бозори иштирокчиларининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартiriшлар эса рақамли далиллар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган. Унга кўра, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсига ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар доирасида иш учун аҳамиятли бўлган электрон маълумотлар, ҳужжатлар ва бошқа ашёвий далиллар қаерда экани аниқ бўлган ҳолларда уларни белгиланган тартибда олиб қўйиш имконияти берилмоқда.

Зухра МИРФОЗИЕВА, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Яна бир муҳим янгилик сифатида банк ҳисобварақлари, электрон ҳамёнлар ва криптоактивлар бўйича операциялар-

ни вақтинча тўхтатиб туриш процессуал мажбурлов чораси сифатида жорий этилмоқда. Бу ноқонуний ўзлаштирилган маблағлар бошқа шахсларга ўтказиб юборилишининг олдини олишга хизмат қилади. Айни пайтда мазкур тартиб Конституцияда қафолатланган мулкй ҳуқуқларни таъминлаш мақсадида суд назорати механизми билан уйғунлаштирилмоқда.

Мухокама чоғида мазкур ҳужжат кибержиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг шахсий маълумотлари ва мол-мулкни ишончли ҳимоялаш, тўлов инфратузилмасининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда рақамли маконда ҳуқуқий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

Ўрмон фонди ерлари алоҳида муҳофаза этилади

Кун тартибидagi навбатдаги масала — “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига ўрмон фонди ерлари муҳофазасини кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда экологик муаммоларнинг олдини олиш ва уларни ҳал этиш, экологик тизимларни ривожлантириш, табиат объектларини муҳофаза қилиш, ўрмон билан қопланган ерларни кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳам ўрмон фонди ерларининг муҳофазасини таъминлаш билан боғлиқ талабларни Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига аниқ белгилаш орқали уларни алоҳида муҳофаза этишга қаратилган.

Жумладан, қонун лойиҳаси билан Ер кодексига ўрмон фонди ерларининг алоҳида муҳофазасини таъминлаш кўзда тутилган муҳим нормалар киритилмоқда. Яъни лойиҳа билан ўрмон фонди ерлари алоҳида муҳофазага олиниши белгиланиб, ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида амалга оширилиши мустаҳкамланмоқда.

Амалда ўрмон фонди ерларини ер фондининг бошқа тоифасига ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ бажарилади эди.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуктаи назаридан такомилга етказилгани қайд этилди.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ўрмон фонди ерларини алоҳида муҳофазага олиш, уларни кўпайтириш ҳамда экологик тизимлар барқарорлигини таъминлашга кенг йўл очади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш муддати узайтирилади

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тизимлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Унда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш муддатини амалдаги ўттиз йилдан қирқ тўққиз йилга узайтириш тақлиф этилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини ижарага беришнинг энг кўп муддати эса қирқ тўққиз йил қилиб белгиланмоқда. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва юридик шахслари, фуқаролар бўлмаган шахслар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги қорхоналарга қишлоқ хўжалиги ерларидан иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш тартиби белгиланмоқда.

Мажлисида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унинг нормалари масъул кўмита ва депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида батафсил муҳокама қилиниб, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилгани қайд этилди.

Равшан МАМУТОВ, Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси раиси:

— Қонун лойиҳасида халқро амалиётдан келиб чиқиб қонунчиликдаги чет эл фуқароларига ер ажратиш билан боғлиқ тарқоқ нормаларни тизимлаштиришга,

мудофаага мўлжалланган, чегара, тарихий-маданий ерлар ва ўрмон фонди ерлари чет элликларга берилмаслигига қаратилган нормалар ўз аксини топмоқда. Шунингдек, ноқишлоқ ерлар ижарасига оид қоидалар соддалаштирилиб, ерларни аукцион орқали ижарага олишга ва ушбу ерни қайта ижарага чиқаришга руҳсат берилмоқда. Бундан ташқари, яқка тартибдаги уй-жойлар жойлашган ер участкаси ижара ҳуқуқи асосида берилиши мустаҳкамлаб қўйилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ер муносабатларида ҳуқуқий аниқликни таъминлашга ва давлат назоратини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланишга ҳисса қўшади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилмоқда

Мажлисида депутатлар томонидан “Миграция соҳасидаги қонунчилик такомиллаштиришнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш нуктаи назаридан чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга келиши ва бу ерда туриши билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда энгиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, бугунги кунда 80 дан ортиқ давлатларнинг фуқаролари учун визасиз кириш тизими жорий этилган, электрон визаларни бериш механизмлари йўлга қўйилган. Натижада жорий йилнинг беш ойида юртимизга хорижий туристлар оқими 27 фоизга ўсиб, 5,5 млн. нафарга етди.

Ўз навбатида, амалдаги қонунчилик бўйича чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳмонхоналар, мотеллар, туристик лагерлар, дам олиш уйлари ва зоналари, санаторийлар, даволаш пансионатлари, давлат тасарруфидagi ва хусусий клиникалар, шифохоналарга келганда ушбу ташкилот ва муассасалар томонидан уларни келган вақтнинг ўзига рўйхатга олиш тартиби жорий қилинган.

Афсуски, баъзи ташкилот ва муассасалар томонидан республикамизга кириб келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни белгиланган тартибда турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказмаслик ҳолатлари учрамоқда. Шу муносабат билан мазкур ташкилот ва муассасалар томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик ва шахсларни “Е-меню” ахборот тизимига киритмаслик ҳолатлари бўйича уларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар қонун лойиҳасида тақлиф этилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан амалдаги қонун ҳужжатлари 2025 йил 10 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириляпти. Хусусан, фуқароларнинг яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ атама ва тушунчалар, ҳуқуқий механизмлар барча қонун ҳужжатларида бирхиллаштирилмоқда. Яъни амалдаги бир қатор кодекс ва қонунлардаги “доимий яшаш жойи” ёки “вақтинчалик яшаш жойи” тушунчалари тегшинча “яшаш жойи” ва “турган жойи” тушунчалари билан алмаштирилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, унинг амалиётга таъсири ҳамда ҳуқуқий механизмларни юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирди. Айрим нормаларни янада аниқлаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуктаи назаридан такомиллаштириш бўйича тақлифлар ҳам илгари сурилди.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Иқтисодий хавфсизлик мустаҳкамланади

Божхона соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада такомиллаштириш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жиноят ишларини тезкор ва самарали кўриб чиқиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокамага тортилди. Ҳужжат мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини ва халқимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бунда божхона тўловлари Давлат бюджети даромадларининг муҳим манбаларидан бири сифатида давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини тўлаш ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг мажбурияти ҳисобланади.

Сайдулло АЗИМОВ, Халқро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси ўринбосари:

— Амалиётда божхона тўловларини тўламаслик ҳолатлари тез-тез кузатилаётгани божхона божларини тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиб, Жиноят кодексига тегишли ўзгартiriш киритиш тақлиф этилмоқда. Айтиш жоиз, илгари сури-лаётган нормалар бир томондан, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлash ҳолатларининг олдини олишга, иккинчи томондан эса жиноят-процессуал қонунчиликни замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мухокамадан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Ҳуқуқий ахборотни манзилли етказиш тизими яратилади

Мажлисида “Ҳуқуқий ахборотни проактив шаклда етказиш тизими жорий этилиши муносабати билан “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундan фойдаланишнинг таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартiriш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

У аҳолига ҳуқуқий ахборотни замонавий технологиялар орқали тезкор, манзилли ва қулай тарзда етказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Мухокама чоғида айтилганидек, бугунги кунда қонунларнинг қабул қилиниши ҳақида хар бир фуқарони ўз вақтида хабардор этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини содда ва тушунарли тарзда етказиш доларб аҳамиятга эга. Шу боис ҳуқуқий тарғиботнинг аънавий усуллари билан бир қаторда, рақамли платформалар, мобиль иловалар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект асосидаги интерфаол тизимлардан кенг фойдаланиш тақлиф қилинмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, давлат органлари энди ўз фаолияти соҳасига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нафақат ишлаб чиқиши ёки эълон қилиши, балки уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини ташкил этиш учун ҳам бевосита масъул бўлади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳам ўзлари имзолаган қарорларни аҳолига етказиш ва тушунтириш ва-зифасини амалга оширади.

Шаҳноза ХОЛМАХАМОВА, Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳаси бугунги кунда доларб аҳамиятга эга бўлиб, ҳуқуқий ахборотни аҳолига етказиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Энг муҳими, ҳуқуқий ахборот ҳар бир фуқарога унинг эҳтиёжи ва ҳаётйи вазиятидан келиб чиққан ҳолда манзилли тарзда етказилиши таъминланади. Бу эса аҳолининг қонунчиликдаги янгилеклардан ўз вақтида хабардор бўлиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада яхши англаши учун мустаҳкам замин яратди. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Давлат органларининг очиқлиги ва жамоатчилик олдидаги масъулиятини янада ошириш, уларнинг фуқаролар билан самарали мулоқотини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳуқуқий тарғибот ишларида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ҳуқуқий ахборотни тезкор, қулай ва тушунарли шаклда етказиш имкониятлари кенгайди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

Муносабат

АҲОЛИ РОЗИЛИГИ – ИЖТИМОЙ СИЁСАТИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва ижтимоий масалаларни бевосита маҳаллабай ҳал этишга қаратилган халқчил сиёсат юксак самаралар бермоқда. Бу, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг турмуш шароитини яхшилаш бўйича эришилаётган ютуқларда ёрқин намоён бўляпти.

2026 йилнинг биринчи ярми якунлари ва йил охиригача бўлган вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йилигишда ушбу йўналиш, яъни ижтимоий соҳада илгари сурилган ташаббуслар, белгиланган вазифалар халқимиз, партия-миз электорати манфаатларига ҳамоҳангдир.

Йил бошидан буён мамлакат иқтисодий-ти 8,5 фоизга ўсгани юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг тўғри ва самарали кетаётганидан далолат беради. Бу кўрсаткич аҳоли фаровонлиги, янги иш ўринлари ва ижтимоий барқарорлиқнинг асосий гарови бўлмоқда.

Шу билан бирга, мажлисида қарийб 40 миллионлик аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш учун 9-10 фоизлик барқарор иқтисодий ўсиш зарурлиги таъкидланди. Хар йили меҳнат бозорига юз минглаб ёшлар кириб келаётгани ва аҳоли сони табиий кўпайиб бораётгани сабабли юқори ўсиш суръатлари талаб этилади. Бу янги ва муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратиш, аҳолининг реал даромадларини ошириш ҳамда камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ натижаларга бевосита таъсир қилади.

Глобал иқтисодий беқарорлик шароитида ҳудудларга тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш учун қўшимча маблағлар ажратилаётгани, маҳаллаларда иш ўринларини кўпайтиришга берилаётган эътибор дастурий мақсадларимиздаги кучли ижтимоий сиёсату адолат тамойилларига тўла мос. Шу боис фаолиятимиз давомида қатор устувор йўналишларга алоҳида аҳамият қаратилади.

Иқтисодий ўсиш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш натижасида яратилаётган даромад манбаи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга етиб бориши муҳимдир.

Бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг маҳаллаларда, олис ҳудудлардаги ижтимоий инфратузилма (соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар) лойиҳаларига мақсадли ва самарали сарфланиши устидан қатъий депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати кучайтирилади.

Бу ўринда инфратузилмани яхшилаш масаласига бежиз ургү берилмаяпти. Сабаби, у хар қандай тараққиётга асос бўлади. Қайси маҳаллада инфратузилма яхши бўлса, ўша ҳудуд аҳолиси ислохотлардан рози, ҳаёт сифати юқори ва турмуши фаровон эканига очиқ мулоқоту учрашувларда амин бўляпмиз.

Энди бандлик тизими масъуллари эҳтиёжманд аҳолини ўқитиш, ишга жойлаштириш ва даромадини ошириш мақсадида ҳудудма-ҳудуд юради. ЎзДПнинг асосий электорати бўлган эҳтиёжманд аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур ташаббус алоҳида аҳамият касб этади. Ҳудудларда ушбу ташаббус ижросини ўрганиб, доимий таълиддан ўтказиб боришни ўзимизга вазифа қилиб олдик.

Бундан ташқари, хар бир ҳудудда ҳокимликларнинг ярим йиллик кўрсаткичлари, айниқса, камбағалликни қисқартариш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ишларини маҳаллий Кенгашлар сессияларида танқидий таҳлил қилиш, ижро органлари раҳбарлигига депутатлик сўровлари юбориш орқали уларнинг масъулиятини кучайтириш муҳим.

Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз банкларнинг маҳаллаларда аҳолига ажратаётган имтиёзли кредитлари ва бандлик лойиҳалари, ҳақиқатан ҳам, кам даромадли ҳамда эҳтиёжманд оилаларга етиб боришини назоратга олади.

Партиямиз, унинг қўйи ташкилотлари, депутатларимиз жойларда гўшт, сүт ва асосий озиқ-овқат маҳсулотларни нархлари асоссиз ошиб кетмаслигини, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган вазифаларнинг ижросини бевосита маҳаллаларда ўрганади.

Хар бир иқтисодий ислохот ҳамда ўсиш суръати, энг аввало, оддий инсоннинг қадри, унинг оиласи ва маҳалласидаги фаровонлик билан ўлчанади. Дунёдаги мураккаб, беқарор шароитда халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, хар бир фуқарога муносиб иш ва даромад манбаи яратиш давлат олдидаги энг муҳим стратегик вазифадир.

Ўлугбек ИНОЯТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ УСТУНИ

Бундан ўттиз беш йил муқаддам халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий тараққиёт йўлини мустақил танлашдек улкан тарихий имкониятга эга бўлди. Мустақиллик нафақат давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, балки илм-фан, таълим, иқтисодиётга янги нафас, куч-қувват бағишлади.

Нуктаи назар

Айниқса, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлмли ислохотлар мамлакат тараққиётининг мутлақо янги даврини бошлаб берди, десак, аини ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатнинг ҳақиқий бойлиги унинг табиий ресурслари эмас, балки билимли, ташаббускор ва рақобатбардош инсонлардир. Шу боис олий таълим тизимига муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Энди университетлар инновациялар яратиладиган, илмий ғоялар иқтисодиётга хизмат қиладиган, мамлакат келажаги шаклланадиган интеллектуал марказлар сифатида ривожланоқда.

Мазкур ўзгаришларнинг амалий натижасини Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, тўқимачилик ҳамда енгил sanoat Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу соҳанинг келажаги эса замонавий билимга эга муҳандис, технолог, дизайнер ҳамда тадқиқотчиларга боғлиқ. Шу мақсадда институтимизда кейинги йилларда таълим мазмуни тубдан янгиланди. 11 та янги бакалаврият, 9 та янги магистратура ҳамда 9 та таянч докторантура ихтисосликлари очилди. Бугунги кунда бу ерда 40 та бака-



лаврият, 23 та магистратура ва 17 та докторантура йўналишида 9258 нафар талаба тахсил олмақда. Келтирилган рақамлар замирида бир мақсад муҳассам — мамлакатимиз sanoati учун замон билан ҳамнафас, халқаро меҳнат бозорида рақобатлаша оладиган юрори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш. Мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда институтнинг 17 та кафедраси тўлиқ модернизация қилиниб, замонавий лабораториялар ташкил этилгани кўл келади. Чунки бугун талабалар нафақат назарияни ўрганмоқда, балки ишлаб чиқаришга яқин муҳитда амалий кўникмаларга ҳам эга бўлмоқда. Зеро, таълим сифати амалиёт билан уйғунликда мустаҳкамланади.

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки, илм-фан — иқтисодиётнинг ҳаракатлангирувчи кучи. Шу маънода, мустақилликнинг энг катта ютуқларидан бири илм-фанга муносабатинг тубдан ўзгарганидир. Пировардидан бугун институтлар илмий фаолияти рейтинг учун эмас, иқтисодиёт учун хизмат қилаётир.

Хусусан, сўнгги йилларда инсти-

тутимиз олимларининг халқаро маълумотлар базаларида чоп этилган мақолалари, иқтибос кўрсаткичлари, патентлар ва инновацион ишланмалари сони бир неча баробарга ўсди. Ёш олимларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ғояларини амалий махсулотга айлантиришга қаратилган тизим шакллантирилди. Институт қошида ташкил этилган “TEXTILE MACHINERY” ва “TEXTILELAB spin-off” корхоналари айнан шу мақсадга хизмат қиляпти. Бу ерда илмий ғоялар ишлаб чиқариш билан уйғунлашади.

Сир эмаски, бугунги давр талабларидан бири — халқаро ҳамкорлики йўлга қўйиш. Бу та-

демик алмашинув дастурларида иштирок этаётир. Қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳалар сони йил сайин ошиб борапти. Бу ҳаракатлар халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топди. Институт илк бор “Times Higher Education Impact Rankings” рейтингидан жой олди. “UI GreenMetric World University Rankings” халқаро рейтингда эса жаҳоннинг энг экологик барқарор университетлари қаторига кирди. Бу натижалар ҳеч шубҳа йўқки, тўғри танланган тараққиёт йўлимининг амалий тасдиғидир.

Муҳими, Президентимиз ислохотлари олий таълим муассасалари тараққиётининг асосий омил

“Институтимиз дунёнинг 31 мамлакатидagi университетлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Профессор-ўқитувчиларимиз хорижда малака оширмоқда, талабаларимиз академик алмашинув дастурларида иштирок этаётир. Қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳалар сони йил сайин ошиб борапти. Бу ҳаракатлар халқаро рейтингларда ҳам ўз аксини топди. Институт илк бор “Times Higher Education Impact Rankings” рейтингидан жой олди. “UI GreenMetric World University Rankings” халқаро рейтингда эса жаҳоннинг энг экологик барқарор университетлари қаторига кирди.”

раққиётнинг муҳим омил ҳисобланади. Яъни глобаллашув жараёнида ҳеч бир университет халқаро алоқа ва тажрибаларсиз ривожлана олмайд

Айни пайтда институтимиз дунёнинг 31 мамлакатидagi университетлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Профессор-ўқитувчиларимиз хорижда малака оширмоқда, талабаларимиз ака-

дунёнинг муҳим омил ҳисобланади. Яъни глобаллашув жараёнида ҳеч бир университет халқаро алоқа ва тажрибаларсиз ривожлана олмайд

Омилкорлик

Тадбиркорнинг харидоргир мебеллари

Шароф Рашидов туманида истиқомат қилувчи Шавкат Нуруллаев ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра, банкдан 100 млн. сўм имтиёзли кредит олган ва тадбиркорликни бошлаган эди. Мана икки йилдирки, мебель цехида иш қизғин.

— Дастлаб хонадонимиз ёнида цех учун алоҳида бино қуриб, кредит эвазига турли русумдаги дастғохларни ўрнатдик, — дейди Куёвбоши маҳалласидаги тадбиркор Ш. Нуруллаев. — Ишни атиги икки киши ишлаган бўлсак, кўп ўтмай турмуш ўртоғим, фарзандларим сафимизга қўшилди. Ҳамжихатликда гап кўп экан. Ишлаб чиқараётган мебелларимиз сифати

ва мустаҳкамлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Айни пайтда мебель цехида миллий ва Европа услуби уйғунлаштирилган ҳолда ошхона, меҳмонхона, ётоқхона мебеллари, болалар ўриндиқлари, эшик ва деразалар, мактабга таълим ташкилотлари учун махсус жиҳозлар тайёрланмоқда. Албатта, тадбиркор ҳеч қачон



бир жойда тўхтаб турмайди. Ш. Нуруллаев ҳам яқин кунларда замонавий дастғох олиб келишни ният қилган. Унинг ёрда-

мида тайёрланадиган мебеллар янада сержило бўлади.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ҚАЛБДА САДОҚАТ, ТУРМУШДА МАТОНАТ

Рашидjon мудҳиш автоҳалокатга учраган паллада тоғни урса, талқон қиладиган ёшда эди. Турмуш ўртоғи Ҳамрогул қўлидаги беш ойлик чакалоғи билан дам шифохонага югурар, дам рўзгор юмушларини саранжом-сарийшта қилиб, сут-қатиқ сотгани бозорга чопарди.

Ибрат

Шифокорлар йигит ҳаётини сақлаб қолишди. Аммо у энди ногиронлиги борлар тоифасида эди. Тақдирнинг бу зарбаси олдида ҳар қандай киши калаванинг учини йўқотиб қўйиши мумкин. Ҳамрогул йиллади-сиқтди, чакалоғини бағрига босиб тунларни бедор ўтказди. Сабрга суянди — умид билан яшайди. Орқаворотдан “Гулдай умрини тўшакка михланиб қолган шу ногирон эр билан ўтказадими?” қабилидаги гап-сўзларни эшитганида кўнглидан не ўйлар кечгани ёлғиз Яратганга аён.

— Шукр, ҳаётимдан асло нолимайман, — дейди Ромитан туманидаги Қаҳрамон кишлоғида яшовчи Ҳамрогул Кароматова. — Бир умр турмуш ўртоғимнинг ўй-ташвиши, дардига шерик яшадим. 41 йил давомида ёнида туриб, иссиқ-совуғидан хабардор бўлдим.

Қаҳрамонимиз дастлаб фабрикада ишлади. Кейин мактабда фаррошлик қилди. Фур-

сат туғилди дегунча, томорқага югурди. Ҳалол меҳнат ортидан оғидаги бир бош сигирни тўрт бошга етказди. Сут-қатик, қурут тайёрлаб, бозорда сотди. Бир ёнда саломатлигидан айрилиб, ёш боладек жавдираб турган ёстиқдошини, бир ёнда шириншакар қизалогини парвариш қилиш — турмуш қийинчиликлари олдида якка-ёлғиз қолган аёл учун осон бўлган эмас. Кўнгли ярим бўлмасин деб, умр йўлдошини тўймаърақаларга, умрига умр қўшилсин, дея ногиронлик аравачида Ромитандан чамаси 600 километр олисдаги Товоқсой саторийсига олиб борганини айтмайсизми?

— Раҳматли қайнонам ҳамда қайнотам — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Абдулҳамид Кароматовнинг ўғитлари, дуоларини олиб, кам бўлмадим, — дея сўзида давом этади Ҳамрогул опа. — Бу орада турмуш ўртоғимнинг саломатлиги ёмонлашиб, бандалики бажо келтирди. Шукр, қизим Диляфрузининг бахтини кўрди, невараларимнинг меҳридан баҳраманд бўлди. Ҳозир 65 ёшда-

ман. Ҳаётдан чиқарган хулосам шуки, сабрли, меҳрли бўлмоқ керак.

Ҳамрогул опанинг бошидан кечирганларини эшитган киши борки, ўйланиб қолади. Зеро, у каби садоқатли, матонатли, сабрқаноатли аёллар фақат китоблардагина эмас, шундоқ ён-атрофимизда ҳам бор. Уларнинг ҳаёти оила — муқаддас, деган тушунчанинг мағзини чақмай, ажралиш остонасида турган айрим ёшлар учун сабоқ.

Яқинда худди шундай бўлди. Оилавий қадриятларни асраб-авайлаш, хонадонлардаги муҳитни соғломлаштириш бўйича таянч ҳудуд сифатида танланган Ромитанда ажралиш ёқасида турган оилаларни яраштириш масаласи билан боғлиқ учрашув ўтказилди. Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда соҳага тегишли ташкилотлар масъуллари иштирокида кечган тадбирда Ҳамрогул опанинг “Ажралиш — бу муаммонинг ечими эмас” дея, ўз бошидан кечирганларини сўзлаб бериши бечарани, жумладан, ажраламан, деб турган ёш оила вакиллари ҳам ҳушёр тортирди. Яқунда еттита худди шундай оила яраштирилди.

Истам ИБРОХИМОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАҒСИЛОТЛАР

Тиббий хизматда яна бир қулайлик

Андижон туманининг Мустақиллик маҳалласида 1-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Замонавий меъморий ечимлар асосида барпо қилинган тиббиёт муассасаси 13 минг нафардан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Эътиборлиси, ушбу поликлиника “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида маҳалла аҳлининг фаол иштироки билан бунёд этилди.



— Янги поликлиника маҳалламиз учун катта тўхфа бўлди, — дейди меҳнат фахрийси Санобархон Абдураззокова. — Илгари даволаниш учун анча узоққа боришга тўғри келарди. Энди эса замонавий шaroитларда, яшаш жойимизга яқин ҳудудда малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти яратилди.

Очилиш маросимида маҳалла нурунийлари, фаоллар, туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарияти, шифокорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъкидланганидек, 1-оилавий поликлиникадаги қабул ва даволаш хоналари, диагностика имкониятлари, замонавий тиббий ускуналар ҳамда беморлар учун яратилган қулай шарт-шaroитлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

«Янги Ўзбекистон» қиёфасидаги маҳалла

Кармана туманидаги Нарпай маҳалласи Навоий шаҳрига таъмирлашдан чиқди ва унинг қамрови кенгайтирилди. Спорт мажмуасида эса 11 та спорт тури билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Яна бир ижтимоий соҳа объекти — 8-умумий ўрта таълим мактабига ўтган йили 300 ўринли замонавий қўшимча ўқув биноси барпо этилган. Бугун эса таълим муассасасининг барча биноларида реконструкция ишлари бажарилиб, жиҳозланмоқда.

— Маҳалламиздаги Истиклол кўчасида капитал таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда, — дейди “Нарпай” МФЙ раиси Ҳасан Эшмуродов. — Лойиҳа доирасида йўл қоламаси янгиланиб, пидедалар йўлаклар барпо этилади. Ташқи тўғри ёритиш тизими ўрнатилиб, ҳудуд ободонлаштирилиши натижасида маҳалламиз янада файзли масканга айланди.

Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан қатор сервис ва хизмат кўрсатиш нуқталари фаолияти йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Шифобахш ва сердаромад

Малина мазали неъмат, сервитамин, шифобахш резавор сифатида қадрланади. Унинг баравж ўсиши, мўл ҳосил бериши учун унумдор, сувни яхши ўтказувчи қумоқ ерлар зарур.



Шаҳрисабз туманининг Мироқи, Улоқ, Полмон, Қани маҳаллалари бу борада қулай шaroитга эга.

— Етти сотих жойда малина етиштирамиз, — дейди Қани маҳалласида яшовчи Нўъмон Худойкулов. — Ҳар йили май ойидан ҳосил теришни бошлашак, йигим сентябрь ойига қадар давом этади. Бу вақт мобайнида ҳар кун 5 килограммдан 40 килограммга мева териб, бозорга чиқарамиз. Йиллик даромадимиз ўртача 50 — 60 млн. сўмини ташкил қилади. Энди малина майдонини янада кенгайтириш ҳаракатидамиз.

Эътиборлиси, тажрибали деҳқонларнинг малиначиликда эришяётган ютуқлари бошқаларни ҳам шунга ундамоқда. Айни пайтда Қани ва унга ёндош қишлоқлардаги 300 дан зиёд оилалар малина етиштиришни йўлга қўйгани эътиборга молик.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Спорт

ИЛК БИТИРУВЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бундан икки йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Баҳодир Жалолов номидagi боксга ихтисослаштирилган спорт мактабида 2025/2026 ўқув йилини муваффақиятли якунлаган илк битирувчиларга диплом ҳамда тренерлик сертификатлари топширилди.



Мазкур спорт мактабида айни пайтда 161 нафар ўқувчи тахсил олмақда. Жорий йилда 24 нафар ўқувчи ушбу таълим муассасасини тамомлаб, келажақда машҳур боксчимизнинг муносиб издошлари сифатида меҳнат фаолиятини бошламоқда.

Маросимда сўзга чиққанлар битирувчиларни ушбу муҳим босқич билан самимий табриқлаб, уларнинг келгусида ўз билим ва тажрибасини юртимизда бокс ривожига сафарбар этиши, иқтидорли ёш спортчиларни тарбиялаш ҳамда миллий терма жамоалар учун захира тайёрлашга муносиб ҳисса қўйишига ишонч билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирилиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси мутасаддилари, шунингдек, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳамда Ўзбекистон бокс федерацияси раҳбарияти иштирок этди.

«Халқ сўзи».

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият таълим дастурини хорижий тилларнинг бирида (таълим тили хорижий тил бўлган ҳолда) тамомлаган битирувчилар магистратурага ҳужжат топширишда хорижий тилни билиш тўғрисидаги миллий ёки халқаро сертификатни тақдим этишдан озод этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 626 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; қопчилик 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратта келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва малакага қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳис — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.40 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6